



THE ROLE OF SCIENCE AND CULTURE IN UZBEKISTAN–U.S. PUBLIC DIPLOMACY: THE CASE OF ALISHER NAVOI’S LEGACY

Otabek Alimardonov

Associate Professor, Doctor of Philosophy (PhD) in History

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: otabekalimardonov111@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: public diplomacy, cultural exchange, Alisher Navoi, USA, Uzbekistan, soft power, academic cooperation

Received: 27.05.25

Accepted: 29.05.25

Published: 31.05.25

Abstract: This article analyzes the role of scientific, cultural, and educational cooperation in the development of public diplomacy between Uzbekistan and the United States. It highlights how the literary and philosophical heritage of Alisher Navoi serves as a symbolic cultural bridge between the two nations. The growing interest in Navoi’s works in the U.S. is presented as an example of cultural dialogue and soft power implementation in practice.

ЎЗБЕКИСТОН–АҚШ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИДА ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ: АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ МИСОЛИДА

Отабек Алимардонов

доцент, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: otabekalimardonov111@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: халқ дипломатияси, маданий алмашинув, Алишер Навоий, АҚШ, Ўзбекистон, soft power, илмий ҳамкорлик

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги халқ дипломатияси алоқаларида илм-фан, маданият ва маърифат соҳаларидаги ҳамкорликнинг ўрни таҳлил қилинган. Алишер Навоийнинг адабий ва фалсафий мероси икки мамлакат халқлари ўртасидаги маданий кўприк вазифасини бажариши, унинг асарлари орқали инсонпарварлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини илгари суриш имконияти очиб берилиши асослаб

берилган. Шу билан бирга, АҚШда Навоийга бўлган кизиқиш мисолида “мулоқот маданияти” ва “soft power”нинг амалий ифодалари кўрсатилган.

РОЛЬ НАУКИ И КУЛЬТУРЫ В УЗБЕКСКО-АМЕРИКАНСКОЙ НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ: НА ПРИМЕРЕ НАСЛЕДИЯ АЛИШЕРА НАВОИ

Отабек Алимардонов

Доцент, доктор философии (PhD) по истории

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: otabekalimardonov111@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	народная дипломатия, культурный обмен, Алишер Навои, США, Узбекистан, мягкая сила, научное сотрудничество	Аннотация: В статье рассматривается роль сотрудничества в области науки, культуры и просвещения в рамках народной дипломатии между Узбекистаном и США. Особое внимание уделяется наследию Алишера Навои, которое выступает как символический культурный мост между двумя странами. Интерес к творчеству Навои в США анализируется как проявление культурного диалога и реализации концепции «мягкой силы».
------------------------	---	---

Кириш. Халқ дипломатияси (инглизча – *public diplomacy*) – бу анъанавий давлатлараро дипломатик муносабатлардан фарқли равишда, фуқаролар, жамият институтлари, нодавлат ташкилотлар ва ижтимоий тармоқлар орқали олиб бориладиган кўп қиррали дипломатия шаклидир. У жамиятнинг ижтимоий-маданий, таълимий-маърифий, илмий-интеллектуал алоқалари асосида мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитини шакллантиради. Ж. Найнинг “soft power” (юмшоқ куч) назариясида таъкидланганидек, халқ дипломатияси халқлар ўртасида маданият, қадриятлар ва интеллектуал таъсир воситаси сифатида стратегик аҳамият касб этади.

XXI асрда халқаро муносабатлар тизимида глобализация, рақамли коммуникация ва маданий хилма-хиллик омиллари халқ дипломатияси аҳамиятини янада оширмоқда. Хусусан, АҚШ халқаро майдонда халқ дипломатиясини ташқи сиёсатнинг муҳим устунли сифатида қўллаб келмоқда. Ўзбекистон учун эса мазкур йўналиш янги ташқи сиёсий концепциялар, жумладан, “Учинчи Ренессанс” ғояси орқали халқлар ўртасидаги маънавий яқинликни мустаҳкамлаш воситаси сифатида юзага чиқмоқда.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги халқ дипломатияси алоқалари сўнгги ўн йилликларда фаоллашиб, таълим, фан, маданият, туризм ва адабиёт каби соҳаларда кенг қамровли ташаббусларни қамраб олмоқда. Бу жараёнда маданий дипломатия ва маърифат

алмашинувининг алоҳида ўрни бор. Айниқса, Алишер Навоийнинг бадиий ва фалсафий мероси икки халқ ўртасида умуминсоний қадриятларга асосланган маданий мулоқотни ривожлантиришда муҳим рамзий восита сифатида намоён бўлмоқда.

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги халқ дипломатияси алоқаларининг замонавий ҳолати, унда илм-фан ва маданиятнинг роли ҳамда Алишер Навоий меросининг халқаро маданий кўприк сифатидаги ўрни илмий асосда таҳлил қилинади. Шу билан бирга, АҚШда Навоий асарларига бўлган қизиқиш ва унинг soft power инструмент сифатида қандай қабул қилинаётгани мисоллар орқали кўрсатилади. Мақоланинг мақсади – Ўзбекистоннинг замонавий маданий дипломатиясида Навоий меросининг тутган ўрнини тадқиқ этиш орқали халқлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро тушуниш механизмларини очиб беришдан иборат.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Халқ дипломатияси тушунчаси илк бор XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ ташқи сиёсий амалиётида назарий жиҳатдан шакллана бошлади. Ж. Най томонидан илгари сурилган “soft power” (юмшоқ куч) назариясида халқ дипломатияси ташқи сиёсатнинг жозибадорлик ва маданий таъсир асосидаги самарали воситаси сифатида таърифланган. Унинг “Soft Power: The Means to Success in World Politics” (2004) асарида давлатлар халқаро майдонда нафақат ҳарбий ва иқтисодий куч, балки маданий ва маънавий таъсир орқали ҳам таъсир кўрсатиши мумкинлиги асослаб берилган[1].

Нилс Сноу (*Nicholas J. Cull*) халқ дипломатиясини тарғибот, маданий алмашинув ва элчи сифатида фаолият юритаётган фуқаролар фаолияти орқали амалга ошадиган дипломатик алоқалар мажмуаси сифатида таърифлайди. Унинг “Public Diplomacy: Lessons from the Past” (2009) асарида давлатлар ўзаро алоқаларни фақат расмий каналлар орқали эмас, балки норасмий, инсоний ўлчов орқали ҳам мустаҳкамлашлари зарурлиги таъкидланган[2].

Бундай ёндашувлар халқаро майдонда кенг қўлланилаётган бўлса-да, уларнинг миллий контекстдаги татбиқи алоҳида ўрганишни талаб қилади. Ўзбекистонда халқ дипломатиясига оид илмий тадқиқотлар сони сўнгги йилларда ошиб бормоқда. Ўзбекистон халқ дипломатияси тарихи ҳақида академик А.Асқаровнинг мулоҳазалари яйниқса диққатга сазовордир. Олим Ўзбекистон ҳудудидаги халқ дипломатиясининг илдизлари қадимги бронза даври Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларидаги қазилма ишлари натижасида топилган археологик манбалар орқали таҳлил қилиб берган[3]. Хусусан, Жанубий Ўзбекистонда шаклланган Сополлитепа манзилгоҳида яшаган аҳоли бронза давридаёқ кўшни халқлар билан бевосита яқиндан ҳамкорлик алоқаларини олиб борган.

Шарқшунос олим М.Исхоқовнинг халқ дипломатиясининг ривожланишида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ҳақидаги фикрлари Марказий Осиё минтақасида халқ дипломатиясининг чуқур тарихий илдизлари мавжудлигини яна бир бор исботлайди[4]. *“Халқ дипломатиясининг тарихий аҳамиятини Буюк Ипак йўли шаклланишидан олдинги даврлардан бошлаб ўрганган маъқул. Сабаби, Буюк ипак йўли мил. авв. II-I асрларга шаклланган йўл сифатида барчага маълум лекин, халқлараро муносабатлар қадимги тош даврларига бориб тақалади”.*

АҚШда эса А.Навоийга бўлган қизиқиш кўп йиллик илмий анъаналарга эга. Роберт Деверу томонидан 1960-йилларда “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг таржимаси, Д.Дели томонидан “Twenty One Ghazals by Alisher Navoi” тўплами, Г. Дик ва Д. Родхивер каби таржимонларнинг “Лисон ут-тайр” дostonлари инглиз тилидаги нашрлари, А.Навоийни халқаро ўқув-илмий майдонда кенг оммага танитишда муҳим босқич бўлди. Америкалик олим Барри Хоберман ва профессор С.Р. Хусейнининг мақолалари ва чиқишлари орқали Навоий асарлари инсоний қадриятларни тарғиб қилувчи, халқаро мулоқотни илгари сурувчи манба сифатида баҳоланмоқда.

Шунингдек, БМТ, ЮНЕСКО, “The Washington Diplomat” газетаси каби халқаро ташкилотлар ва медиа платформаларда Навоий мероси асосида ташкил этилган тадбирлар ҳам маданий дипломатиянинг халқаро турдаги ифодаларига айланган.

Мавжуд адабиётлар халқаро ва миллий даражада халқ дипломатиясининг назарий ва амалий жиҳатларини қамраб олмоқда. Аммо Алишер Навоий меросининг халқ дипломатиясидаги ролини Ўзбекистон –АҚШ муносабатлари контекстида комплекс ўрганиш ҳали етарли даражада тадқиқ этилмаган. Ушбу мақола айнан шу илмий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада қиёсий таҳлил, тарихи-назарий таҳлил, контент таҳлил, ҳамда мақсадли кузатиш ва хулоса чиқариш усуллари қўлланилди. Навоий асарларининг АҚШдаги қабул қилиниши ва фойдаланиш ҳолатлари мисолида халқ дипломатиясининг амалий ифодалари ўрганилди. Шунингдек, расмий манбалар, илмий мақолалар ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Халқ дипломатияси (*инглиз тилида public diplomacy*) – бу давлатлар орасидаги анъанавий дипломатик алоқалардан ташқари, халқлар ўртасидаги ўзаро алоқалар орқали ривожланадиган дипломатия туридир. Бу дипломатия шакли давлатларнинг расмий ташкилотлари ва сиёсатчиларидан ташқари, жамият, фуқаролар ва ўз ихтиёри билан ишлаган турли ташкилотлар орасидаги ўзаро алоқаларга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Халқ дипломатияси бу маданият, таълим, фан, туризм, санъат ва бошқа соҳа ҳамда фуқароларнинг ўзаро алоқалари орқали ўтказиладиган дипломатик алоқалардир.

Халқ дипломатиясининг мақсади – давлатлар орасидаги муносабатларни яхшилаш, маданий, таълим ва ижтимоий алмашинувлар орқали иккитомонлама ишончни мустаҳкамлаш, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги халқ дипломатияси алоқалари вақт ўтиши билан кучайиб бормоқда.

Замонавий халқ дипломатиясининг маркази ҳисобланган АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида ўтган даврда жамиятнинг турли соҳаларида ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормоқда.

Сўнгги ўн йилликларда маданий дипломатия кўплаб давлатлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам ташқи сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айланди. Мамлакатнинг маданий салоҳиятидан ташқи сиёсатда фойдаланиш – республика имижини ижобий шакллантириш, унинг халқаро майдондаги обрўсини ошириш, шунингдек, нафақат ички, балки ташқи сиёсий масалаларни ҳам тезкор ҳал этишда самарали восита сифатида намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатда маданий дипломатияни фаол қўллаб-қувватламоқда[5].

Бугунги кунда халқ дипломатиясининг энг таъсирчан соҳаси орқали АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алмашинувлар фаол ривожланмоқда. АҚШдаги кўплаб университетлар ва ташкилотлар Ўзбекистоннинг тарихи ва маданиятини ўрганиш ва тўғри ёритишга ҳаракат қилмоқда.

Алишер Навоий – ўзбек адабиёти ва маданиятининг тимсоли сифатида Ўзбекистон-АҚШ халқ дипломатияси (people-to-people diplomacy) алоқаларида муҳим рамзий ва маданий кўприк вазифасини бажаради. Унинг асарлари, ғоялари ва мероси икки халқ ўртасидаги маданий тушунишни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Улуғ шоир ва мутафаккирнинг ижоди инсонпарварлик, Ватанга садоқат, адолат ва эзгулик каби умуминсоний қадриятларга асосланган. Навоийнинг ушбу ғоялари жаҳон аҳлининг диққатини ўзига жалб этмоқда ва унинг мероси инсонлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим омил сифатида хизмат қилмоқда. Бу қадриятлар халқ дипломатиясида халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик муҳитини яратишга замин яратади.

Навоийнинг турли халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, инсонларнинг ёруғ келажагини биргаликда қуриш ғояси айниқса бугунги мураккаб ва таҳликали замонда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Халқ дипломатияси айнан шундай

умуминсоний ғояларни илгари суриш, мамлакатлар ва миллатлар ўртасидаги низоларни юмшатишда муҳим ўрин тутди.

А.Навоий асарларидаги инсонпарварлик ва умуминсоний қадриятлар АҚШдаги академик доираларда ҳам эътибор қозонмоқда. Масалан, 2021-йилда АҚШнинг *The Washington Diplomat* газетаси Ўзбекистон элчихонасида Алишер Навоий таваллудининг 580-йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбир ҳақида мақола чоп этди[6]. Бу тадбирда Навоий ижодининг жаҳон адабиётидаги ўрни ва унинг гуманистик ғоялари ҳақида сўз юритилди.

Атоқли ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг АҚШда инглиз тилига ўтирилган дастлабки асари бу «Муҳокамат ул-луғатайн»дир. Таниқли олим Роберт Деверу амалга оширган ушбу таржиманинг биринчи ярми 1964 йилда, Америкада чиқадиган «Мусулмонлар олами» («*The Muslim World*») журналининг 54-жилди, 4-сонидан нашр этилган. Бир йил ўтиб, таржиманинг иккинчи ярми журналнинг 55-жилди, 1-сонидан босилган. Асар 1966 йилда Лейденда китоб шаклида чоп этилган[7].

Алишер Навоий ижодига Фарб дунёсининг қизиқиши ҳамон давом этиб келмоқда. АҚШдаги университетлар (масалан, Harvard, UCLA, Indiana University) шарқшунослик йўналишларида Алишер Навоий ижодини ўрганиш орқали ўзбек тилига ва маданиятига қизиқишни оширади. Бу соҳада ишлаётган олимлар билан Ўзбекистон олимлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам халқ дипломатиясининг бир шакли саналади.

Америкалик исломшунос олим Барри Хоберман “*Saudi Aramco World*” журналичада чоп этилган “*Chaucer of Turks*” номли мақоласида Навоийни Шарқ уйғониш даври асосчиларидан бири сифатида эътироф этади[8]. Америкалик яна бир адабиётшунос, ёзувчи ва шоир Денис Дели томонидан таржима қилиниб, 2016 йилнинг декабрь ойида чоп этилган “*Twenty one Ghazals by Alisher Navoiy*” деб номланган китоб сотувга чиқарилган. Мазкур мўъжазгина тўпلام муаллифнинг бешинчи китоби бўлиб, у хорижликлар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Китобни бугунги кунда “Амазон” ва бошқа сайтлар орқали ҳам сотиб олиш мумкин[9]. Таржимон Д.Дели интервьюларнинг бирида А.Навоий ижодига қизиқиш 2001 йилда айнан Ўзбекистонга саёҳат натижасида пайдо бўлганлигини таъкидлаган. “*Ўзбекистон халқи жуда ҳам бахтли. Сабаби, маданий меросингиз Фарбнинг тўғри маънодаги ҳасадини уйғотгудек даражада. Алишер Навоий ана шу мероснинг, адабий анъананинг катта бир қисмини ташкил қилади.*

2001 йилда Тошкентда қизим билан учрашиб, мамлакатни айланиб чиққанмиз. У ўша пайтлар Тинчлик Корпусининг кўнгиллиси сифатида Гурланда ўзбек болаларига инглиз тилидан дарс берар эди. Биз Тошкентдан Самарқанд, Бухоро, Нукус ва Мўйноққа ҳамда кичик-кичик туманлар ва қишлоқларга саёҳат қилганмиз. Мен Навоий ҳақида кўп ўқиган

эдим. Унинг ҳаёти ва ижоди, ўша давр ҳақидаги ҳикоялар билан таниш эдим. 2001 йилда қизим Алишер Навоий ижодига мансуб баъзи газалларнинг инглиз тилига насрий таржималарини топди. Бу таржималарнинг сифати яхши деб айтиб бўлмасди. Лекин, мазмун орқали Навоийнинг буюклигини кўришингиз мумкин эди. Қизимнинг ўзбек, рус тилларини билиш даражаси менга Навоийнинг баъзи газалларини инглиз тилидаги бадий матнини яратиш имконини берди. Мен шоир сифатида таржиманинг шеърий чиқишига эътибор қаратдим, керак жойда инглиз шеърияти техникасидан фойдаландим. Мен таржима ҳамманикидан аъло чиққан деб даъво қилмайман. Бироқ, кам сонли таржимон ёки олимларда шоирона маҳорат бўлади. Менинг таржималарим энг аълоси бўлмаган тақдирда ҳам асосий мақсадим шоир ижодини имкон борича тезроқ америкаликларга етказиш эди. Мен аниқ ишонаманки, ҳали аслиятга яқин таржималарим олдинда. ... Алишер Навоийнинг кўп асарлари Ўрта Осиё ва америкаликлар, шунингдек, инглиз тилида сўзлашувчилар ўртасида маданий ришта бўлиб хизмат қилиши мумкин”.

Д.Дели яна шунингдек, қадимий Самарқанд, ва Бухорога ўхшаган шаҳарлар жуда кам сонли давлатлардагина мавжудлигини, ўзбек халқида Темурийлар давридаги дунёни ҳайратга солган Ренессансдан ҳам юқоририроқ даражадаги адабиёт, архитектура ва Шарқ фалсафасида гуркираб ўсиш ва равнақ топиш имкони борлигини айтиб ўтган.

Дарҳақиқат таржима китоб жуда кўп жойларга, Америка Қўшма Штатларининг деярли ҳамма штатигача кириб борди. Бу ўзига хос янгилик бўлди ва ҳамма жойда китобхонлар томонидан ниҳоятда илиқ қарши олинди.

Алишер Навоийнинг яна бир нодир асари «Лисон ут-тайр» достони аввал америкалик таржимон Гери Дик ва Носир Қамбаровнинг инглиз тилига таржимасида 2003 йили Тошкентда нашр этилган. Орадан уч йил ўтиб, америкалик таржимон Двейн Родхивер ва Шавкат Азимов «Лисон ут-тайр»нинг иккинчи инглизча таржимасини амалга оширди. 2006 йили Индиана штатида «Author House» нашриёти чоп этган бу китоб 2007 йили АҚШ Конгрессининг кутубхонасидан жой олди[10].

Янги Ўзбекистонда “Учинчи Ренессанс” жараёнида Навоийнинг асарлари илҳом ва куч-ғайрат манбаи сифатида қабул қилинмоқда. Бу эса халқ дипломатияси учун миллий маънавий бойликни мустаҳкамлаш ва кенг жамоатчиликка тарғиб қилишни тақозо қилади. Маданий алмашинув ва маънавий ҳамжиҳатлик халқлар ўртасидаги дўстликни чуқурроқ ва барқарорроқ қилишда муҳим омилдир.

2018-йил 8-феврал куни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “Ўзбекистон – АҚШ” дўстлик жамияти, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзусида республика илмий-амалий халқаро анжумани ўтказилди.

Анжуманда хорижий дипломатик корпус, миллий-маданий марказлар раҳбарлари, тилшунос ва адабиётшунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда Навоий ижодини ўрганишга қизиқиш янада ошиб бораётгани, асарлари оламшумул аҳамиятга экани ва бутун дунё Навоий шахсига ҳурмат бажо этишининг боиси у илгари сурган ғоялар ҳеч қачон эскирмаслигида экани эътироф этилди[11].

“Алишер Навоий йили” деб эълон қилинган Навоий вилоятида 2025 йилда илк бор адиб таваллудининг 584 йиллиги арафасида “Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси” IV халқаро симпозиуми ўтказилди.

Ушбу анжуман нафақат адабиётшунослар, олимлар, балки халқ дипломатияси соҳасидаги мутахассислар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки симпозиумда билдирилган фикрлар юксак мафкуравий ва маданий ғоялар халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга қаҳриқ сифатида яққол намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригида Навоий ижодини ўрганишда юртимиз олимлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётган илм-фан намояндаларига чуқур миннатдорлик билдирилади[12].

Дарҳақиқат, симпозиумда АҚШ, Хитой, Эрон, Бельгия, Покистон, Туркия, Озарбайжон ва бошқа 20 дан ортиқ давлат вакиллари иштирок этди. Бу нафақат Навоий меросининг жаҳон миқёсидаги қадрини, балки Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги маданий нуфузини ҳам кўрсатиб берди.

АҚШдан профессор Саид Реза Ҳусейни, Бельгиялик мутахассис Деря Сойсал, Туркиядан профессор Вахит Тюрк каби таниқли олимлар Навоийнинг туркий дунё, тарих, адабиёт ва руҳий-маънавий фалсафада тутган ўрни ҳақида фикр билдиришди. Бельгиялик Деря Сойсал Навоийни туркий халқларни бирлаштирувчи рамз сифатида таърифласа, профессор Вахит Тюрк Навоий ғазалларида энг кўп учрайдиган сўз – “кўнгил” эканига эътибор қаратди. Бу сўз Навоий ижодида инсоннинг ички дунёси, руҳий юксалиши ва маънавий покланишини англатади. Унинг асарлари турли миллатлар орасидаги эмпатия ва тушунишни шакллантиради[13]. Бу кўп миллатли ва маданиятли жамиятлар ўртасидаги мулоқотни рағбатлантириш ва халқ дипломатиясини мустаҳкамлаш учун катта имконият яратади. Халқаро илм-фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик орқали халқлар ўртасидаги тушуниш ва муносабатлар янада юксалаётгани бу борадаги ишларнинг самарадорлигини кўрсатади.

Анжуманда иштирок этган Саид Реза Ҳусейни АҚШдаги илмий доираларда Навоий асарларини ўрганиш ва тарғиб қилишга ҳисса қўшмоқда.

АҚШнинг Кембридж университети профессори, тарихчи Саид Реза Ҳусеини Навоий меросининг дунё маданияти ва тарихидаги ўрни ҳақида фикр билдириб, унинг асарлари инсоний қадриятларни тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган.

Олимлар, тадқиқотчилар ва мутахассислар ўртасидаги мунтазам алмашинув халқ дипломатияси учун замонавий воситадир. Бу нафақат илмий ютуқларни оширишга, балки маданий тушуниш ва дўстликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Умуман олаганда қуйидаги жадвал орқали Навоий ижодига бағишланган анжуманни халқ дипломатияси нуқтаи назаридан аҳамиятини таҳлил қилиб ўтишимиз мумкин бўлади.

Жиҳат	Изоҳ
1. Халқаро аҳамият	Симпозиумда 20 та мамлакатдан иштирокчилар – жаҳон миқёсидаги қизиқиш
2. Давлат даражасидаги эътироф	Президент Мирзиёевнинг шахсан қатнашиши ва “Учинчи Ренессанс” ҳақидаги баёноти
3. Навоийнинг умуминсоний ғоялари	Инсонпарварлик, тинчлик, маданий мулоқот ғоялари – халқ дипломатияси учун асос
4. АҚШ ва Европа вакиллари иштирокидаги мулоҳазалар	Илмий алмашинув ва маданий яқинлашув учун муҳим қўприklar

Хулоса ва таклифлар. Навоий меросининг халқаро миқёсда танилиши ва ўрганилиши Ўзбекистоннинг маданий “soft power” сиёсатида муҳим восита бўлиб, икки халқ ўртасидаги ўзаро тушуниш ва ҳурматни чуқурлаштиришга ҳисса қўшмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни муҳим хулосавий фикрлар сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Биринчидан, халқ дипломатияси халқаро муносабатларнинг янги формати сифатида, давлатлар ўртасида расмий эмас, балки фуқаролар, олимлар, зиёлилар ва маданият арбоблари орқали амалга ошадиган таъсирчан восита эканлиги маълум бўлади.

Иккинчидан, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги халқ дипломатияси алоқалари, айниқса маданий-маърифий, илм-фан, адабиёт ва таълим соҳаларида йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу жараёнда Алишер Навоийнинг бадиий ва фалсафий мероси икки халқ ўртасидаги маданий мулоқотнинг рамзий тимсоли сифатида алоҳида ўрин тутмоқда.

Учинчидан, А.Навоий асарларининг инглиз тилига таржимаси, уларнинг АҚШдаги илмий доиралар ва омма томонидан қизиқиш билан қабул қилиниши, Ўзбекистоннинг «юмшоқ куч» салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тўртинчидан, академик ва маданий алмашинувлар, жумладан, Навоийга бағишланган анжуманлар, китоблар ва тадбирлар, Ўзбекистоннинг халқаро имижини шакллантиришда муҳим восита бўлмоқда.

Бешинчидан, Алишер Навоий мероси орқали умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш, халқаро тинчлик ва маданий ҳамжиҳатликни таъминлашда халқ дипломатиясининг самарадорлигини ошираётганини кўрсатмоқда.

Таклифлар:

1. Навоий меросини хорижда тарғиб қилиш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида комплекс дастурлар ишлаб чиқиши лозим. Бу дастурлар таржималар, илмий ҳамкорлик ва маданий алмашинуви қамраб олиши керак.

2. Алишер Навоий асарларининг тўлиқ ва бадий таржималарини тайёрлаш ҳамда уларни АҚШ ва Европадаги нашриётлар орқали чоп этиш бўйича махсус таржима марказлари ташкил этиш тавсия этилади.

3. Ўзбекистон ва АҚШ университетлари ўртасида Алишер Навоий меросини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқот лойиҳалари ва қўшма марказлар ташкил қилиниши халқ дипломатиясидаги академик мулоқотни мустаҳкамлайди.

4. Навоий меросини рақамлаштириш ва уни рақамли платформаларда (YouTube, Coursera, Khan Academy, JSTOR каби) тарқатиш орқали дунё миқёсида маданий таъсир кўламини кенгайтириш мумкин.

5. Ўзбекистон – АҚШ халқ дипломатияси тарихи ва истиқболи бўйича доимий мониторинг ва таҳлил маркази ташкил этиш орқали стратегик йўналишлар аниқланиши ва тизимли ҳамкорлик ривожланиши таъминланади.

6. Ижодкорлар ва мутахассисларнинг шахсий тажрибасига асосланган халқ дипломатияси шакллари – масалан, саёҳатчилар, ихтиёрий ўқитувчилар, таржимонлар орқали фаолият ҳам ҳимояланиши ва рағбатлантирилиши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Nye, J. S. (2004). *Soft Power: The Means to Success in World Politics*. New York: PublicAffairs.

2. Snow, N., & Taylor, P. (Eds.). (2009). *Routledge Handbook of Public Diplomacy*. London: Routledge. Cull, N. J. (2009). *Public Diplomacy: Lessons from the Past*. Los Angeles: USC Center on Public Diplomacy.

3. МТРК жорий архивидан. А. Асқаровнинг “Ўзбекистон тарихи” телеканалида “Маданий-гуманитар алоқаларнинг ривожланишида халқ дипломатиясининг роли” мавзусидаги давра суҳбатидаги нутқидан. Т. 2020. 10 февраль.

4. МТРК жорий архивидан. М. Исоқовнинг “Ўзбекистон тарихи” телеканалида “Маданий-гуманитар алоқаларнинг ривожланишида халқ дипломатиясининг роли” мавзусидаги давра суҳбатидаги нутқидан. Т. 2020. 10 февраль.
5. В чем сила культурной дипломатии Нового Узбекистана? / <https://www.alliance-press.kg/ru/articles/view/2932>
6. Alisher Navoiy tavalludining 580-yilligi munosabati bilan o‘tkazilgan tadbirlar AQSH ommaviy axborot vositalarida /https://yuz.uz/uz/news/alisher-navoiy-tavalludining-580-yilligi-munosabati-bilan-otkazilgan-tadbirlar-aqsh-ommaviy-axborot-vositalarida?utm_source=chatgpt.com
7. Саидов А. Ўзбекистон “ньюсмейкер” давлатлар сафида: Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга илк расмий ташрифи таассуротлари. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2018. – 115 бет.
8. Alisher Navoiy g'azaliyoti Amerikada / https://tsuull.uz › files › qosimboy_mamurov_0 PDF
9. Саидов А. Ўзбекистон “ньюсмейкер” давлатлар сафида: Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга илк расмий ташрифи таассуротлари. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2018. – 57 бет.
10. Саидов А. Ўзбекистон “ньюсмейкер” давлатлар сафида: Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга илк расмий ташрифи таассуротлари. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2018. – 40 бет.
11. Sirojiddinov Sh. O‘zbekiston – AQSH: madaniy-ma’rifiy munosabatlarni mustahkamlash yo‘lida / <https://uza.uz/oz/posts/o-zbekiston-aqsh-madaniy-ma-rifiy-munosabatlarni-mustahkamla-18-05-2018>
12. “Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси” IV халқаро симпозиуми иштирокчиларига / <https://president.uz/uz/lists/view/7866>
13. International symposium takes place Navoiy, Uzbekistan, dedicated to Alisher Navoiy / <https://www.eureporter.co/lifestyle/culture/2025/02/11/international-symposium-takes-place-navoiy-uzbekistan-dedicated-to-alisher-navoiy>